

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати

1 боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати *(кейинги матнларда Сиёсат деб юритилади)* ходимларда ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш учун юқори ахлоқий меъёрлар тарафдори эканлиги, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз фаолиятида коррупцион ҳуқуқбузарликларга мурасасиз муносабатда бўлишлари ва уларни содир этилишига йўл қўймасликни қўллаб-қувватлашини намоён этади.

2. Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилиб, унда халқаро ташкилотлар таклифлари ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жаҳон тажрибаси, шу жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандартининг талаб ва таклифлари ҳисобга олинган.

3. Сиёсат солиқ органлари фаолиятида коррупцион ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга барҳам беришга йўналтирилган асосий принцип ва талабларни белгиловчи муҳим ички идоравий ҳужжат ҳамда Давлат солиқ қўмитаси, ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари, қўмита тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар *(келгусида солиқ органлари деб юритилади)* томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар учун дастурамал ҳисобланади.

4. Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

солиқ органларида коррупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш;

аҳоли, шу жумладан солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш;

солиқ органлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцион ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, унинг оқибати, сабаб ва омилларини бартараф этиш, коррупцион жиноятларни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

5. Сиёсат талаблари солиқ органларининг лавозими, бажарадиган вазифаларидан қатъий назар меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланиб, ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс мазкур Сиёсат талабларига риоя этиши юзасидан таништирилиши лозим.

6. Сиёсатда қуйидаги асосий тушунча ва атамалар ишлатилади:

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцион ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкий тусдаги хизматларни, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупцион жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, солиқ органлари ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чоратадбирлар мажмуи;

коррупцион хавф – солиқ ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан солиқ органлари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупцион хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – солиқ органи ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида унинг яқин қариндоши ёки унга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

яқин қариндошлар – ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари;

коррупцион ҳолат ҳақида ихтиёрий равишда хабар бериш – солиқ органининг муайян ходими томонидан содир этилган (содир этиш эҳтимоли мавжуд) коррупцион ҳуқуқбузарлик тўғрисида русхат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда мурожаат йўллаш;

иш жараёнида меҳмондорчилик белгилари – ўз манфаатини кўзлаб солиқ органлари билан ҳамкорликни ўрнатиш ва бундай ҳамкорликни сақлаб қолиш мақсадида солиқ тўловчи ёки учинчи шахслар томонидан амалга оширилган харажатлар (овқатланиш, яшаш, автотранспорт харажатлари, кўнгилочар тадбирларни қоплаш ва бошқалар);

контрагент – солиқ органлари билан шартномавий муносабатларни ўрнатган (*меҳнат муносабатлари бундан мустасно*) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахслар;

2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

7. Солиқ органлари коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

қонунийлик – солиқ органлари коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳамда давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича тан олинган халқаро амалиётни ҳисобга олиб амалга оширади;

коррупцияга муросасизлик – солиқ органлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияга муросасиз муносабатда бўлади. Ходимларнинг ҳар қандай коррупцион хавф келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиши тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик – солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар, амалга

оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида шахсий таркиб ва контрагентлар, шунингдек, кенг жамоатчилик доимий хабардор қилиб борилади;

превентивлик – солиқ органлари коррупцион хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупцион хавфни вужудга келишига сабаб бўладиган шарт-шароит ва омилларни бартараф этишга қаратилган огоҳлантирувчи чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради;

тизимлилик - коррупцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар солиқ органлари фаолиятининг барча йўналишларида тизимли равишда амалга оширилади;

жазо муқаррарлиги – коррупцион ҳуқуқбузарликни содир этган ходим ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар амалдаги қонунчилик ва солиқ органларининг ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

жамоатчилик назорати – солиқ органлари ўзларига юклатилган вазифаларни шаффофлик ва холислик асосида бажаришини таъминлаш мақсадида, коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни баҳолаш учун жамоатчилик вакиллари жалб қилинади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими

8. Қуйидагилар солиқ органлари коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

а) Коррупцияга қарши курашишни назарда тутувчи ички идоравий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

Бунда, коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:

мазкур Сиёсат;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Давлат солиқ қўмитасининг Ички меҳнат тартиби қоидалари;

давлат солиқ хизмати органларига хизматга қабул қилишда танловлар ўтказиш, хизматга қабул қилиш ва бошқа доимий ишга ўтказиш тартиби;

давлат солиқ хизмати органларида хизмат текшируви ўтказиш тартиби;

бошқа тааллуқли ички идоравий ҳужжатларда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

б) Юқори даражадаги раҳбарларнинг сиёсий иродаси;

Солиқ органлари раҳбарлари, шунингдек, таркибий тузилмалар раҳбарлари бўйсунувидаги ходимлар, жисмоний ва юридик шахслар билан

муносабатларда ҳалол, адолатли муносабатда ва намунавий хулқ-атворга эга бўлишлари;

Давлат солиқ қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари, ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали сиёсий иродани намоёниш этади:

солиқ органлари фаолиятида коррупцион хавфи мавжуд вазифалар, соҳалар ва функцияларни бошқаришда самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этишда, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастурини (*йўл харитасини*) ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилишга ташаббускор бўлиши;

ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасида, солиқ органлари ходимларида коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда ҳуқуқий нигилизм, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, амалдаги қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатларга риоя қилиши;

ходимлар, жисмоний ва юридик шахслар билан мулоқотда ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиши лозим.

в) Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар;

Солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш, коррупцион хавфни аниқлаш ва баҳолаш Давлат солиқ қўмитасининг Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тизимли равишда амалга оширилади.

Мазкур жараёнда солиқ органларининг раҳбарлари ҳамда бошқа тааллуқли таркибий тузилмалари ҳам фаол жалб этилади.

Давлат солиқ қўмитасининг Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ўз вазифаларини амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва ресурсларга эга бўлиб, бевосита Давлат солиқ қўмитасининг раисига бўйсунди.

Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ўз фаолиятини қўмита раиси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади.

Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлималари ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва (*манфаатлар тўқнашуви тартибга солилмаган тақдирда*) уни ҳал қилиш бўйича ёки аниқланган ҳолатларни тартибга солишга қаратилган чораларнинг самарадорлиги тўғрисида хулоса қабул қилади.

2) *Коррупцион хавфни аниқлаш ва баҳолаш;*

Солиқ органлари коррупцияга муросасиз муносабатда бўлишини ҳисобга олган ҳолда фаолиятида кўлами ва таъсир қилиш даражасидан қатъий назар коррупцион хавфни бошқариш заруратини тан олади.

Солиқ органлари фаолияти, таркибий тузилмалари, соҳалари ва бажарилаётган функцияларига хос ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда коррупцион хавфни аниқлайди ва баҳолайди.

Бунда, солиқ органлари фаолиятининг барча соҳалари коррупцион хавфга кўпроқ учрайдиган соҳа (функция, йўналиш)ларни аниқлаш мақсадида тизимли таҳлилдан ўтказилади.

Коррупцион хавфни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Баҳолаш натижалари Давлат солиқ қўмитаси раиси ва тегишли раҳбарлар томонидан кўриб чиқилади.

Аниқланган хавфларни бошқариш ҳамда унинг асосий омилларини бартараф этиш чоралари солиқ органларининг коррупцияга қарши курашишга қаратилган тегишли чора-тадбирлари, иш режалари ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

д) *Коррупцион хавфни минималлаштиришга қаратилган чоралар;*

Солиқ органлари ўз фаолиятидаги коррупцион хавфларни бошқариш, умумий назорат муҳитини яратиш ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларини ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этади.

Солиқ органлари коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф даражасига мутаносиблиги, солиқ органлари ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, кенг жамоатчилик учун шаффофлигини таъминлайди.

Амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар солиқ органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича меъёрий ҳужжатларида (*чора-тадбир, иш режа, йўл харитаси*) акс эттирилади.

е) *Хабардор қилиш ва маслаҳат бериш;*

Коррупцион хавфни камайтириш ва солиқ органларининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талабларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, мазкур Сиёсат ва солиқ органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан таништириш мақсадида:

солиқ органлари ходимлари учун йилига камида бир маротаба коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади;

ишга янги қабул қилинаётган ходимларга ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш юзасидан бошқа ички идоравий ҳужжатлар талабларини таништириш учун мажбурий ўқув курслари ташкил этилади;

коррупцион хавфи юқори бўлган соҳалар (лавозимлар) бўйича солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида қўшимча таълим дастурлари белгиланади;

солиқ органлари ходимлари ва солиқ тўловчиларда коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш мақсадида аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда профилактик тадбирлар ташкил этилади.

Солиқ органлари ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари ташкил қилинади.

Солиқ органлари ходимларининг меҳнат шартлари таркибига коррупцияга қарши курашиш қоидалари киритилади.

Ходимлар ўртасида коррупцияга қарши курашишда лозим бўлган ҳулқ-атвори шакллантириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилади.

Контрагентларни коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш юзасидан махсус шартлар киритилиши тўғрисида хабардор қилинади ва ҳаказо.

ж) Мониторинг, назорат ва ҳисобот;

Давлат солиқ қўмитаси Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради.

Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чораларни кўради.

Солиқ органларида мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш тизимига ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимига ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

самарасиз тартиб-таомилларни аниқлаш, тегишли ўзгартиришлар киритиш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (*ёки*) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида солиқ органлари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш ва бошқалар.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъат йиғилиши ва тегишли ҳудудий солиқ органларининг Кенгаш йиғилишларида муҳокама қилинади.

з) Ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш;

Мазкур Сиёсатга ва солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун мажбурийдир. Солиқ органи ҳар бир ходими белгиланган талабларни бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, таркибий тузилма раҳбарлари ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган талаблар, тартиб- тамоийилларни бузган ҳар бир солиқ органи ходими Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига, Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларига хабар беришлари шарт.

Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ органлари ходимларининг коррупцияга оид

хуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибга асосан хизмат текширувлари ўтказилади.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитларни таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириб боради.

Солиқ органлари, шу жумладан, Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари коррупцияни бартараф этиш чораларини кўришда, ўзига юклатилган вазифалар доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

9. Солиқ органлари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (*ёки*) солиқ органининг манфаатларини ифодалаш доирасида виждонийлик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатлари йўлида хизмат мавқеидан ва (*ёки*) солиқ органларининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан йироқ бўлишлари лозим.

Солиқ органларининг ҳар бир ходими хизмат вазифаларини бажариш чоғида вужудга келган ёки вужудга келиши эҳтимоли мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига зудлик билан хабар бериши шарт.

10. Давлат солиқ қўмитаси номзодларни ишга қабул қилишда, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдир.

11. Солиқ органларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ички меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

2-§. Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари

12. Солиқ органлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар

шаклида рағбатлантириш воситалари, нақд пул маблағлари, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

13. Солиқ органлари ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар (*суммасидан қатъи назар*) солиқ органларининг мулкига ўтказилади.

14. Солиқ органлари жамоаси томонидан ходимларга уларнинг шахси билан боғлиқ байрам кунларида (*туғилган кун, никоҳ қуриши, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва ҳаказо*) берилган, хизмат мажбуриятларини бажаришга боғлиқ бўлмаган совғалар – ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

15. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим: совғалар солиқ органларининг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши лозим;

совға бериш жараёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши керак;

совғанинг умумий қиймати (*барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда*) **10 (ўн) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги** керак.

16. Солиқ органларининг ҳар бир ходими шахси билан боғлиқ байрам кунларида (*Сиёсатнинг 14-бандида қайд этилган*) бошқа давлат идоралари, жисмоний ва юридик шахслар вакилларида ҳар қандай кўринишдаги совғалар ва бошқа моддий ва номоддий қимматликларни олиши тақиқланади.

17. Халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа хизматга оид ишбилармонлик йиғилишларда Давлат солиқ қўмитаси номидан совғалар бериш қўмита раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

18. Совға қабул қилишнинг қонунийлиги бўйича шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолатда ходимлар Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ёки унинг ҳудудий бўлимларига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3-§. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш

19. Солиқ органлари ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келиши лозим.

20. Солиқ органларида раҳбар ва ходимларни мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган фаолиятларининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ушбу кўрсаткичлар ҳар томонлама холис, адолатли, ошкора ҳамда солиқ органларининг шахсий таркиби билан муҳокама қилиниши керак.

4-§. Солиқ назоратини ташкил этиш

21. Солиқ назоратини ташкил этишда ҳар бир солиқ органлари ходимлари:

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

текшириш ёки ўрганиш **бир нафар ходим томонидан** амалга оширилмаслиги;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текширилаётган субъект вакилларининг етарли билимга эга эмаслигидан фойдаланиб қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, уларни аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан қўрқитмаслиги;

солиқ назорати ўтказилаётган субъект вакилларига таҳдид қилмаслиги;

текшириш предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги ва ортиқча ҳужжатларни сўрамаслиги;

солиқ органлари ходимлари назорат тадбири давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо бериши;

агар, субъект вакиллари аниқланган қонунбузарликларни яшириш учун пора ёки бирон-бир моддий ва номоддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ёки унинг ҳудудий бўлимлари ходимларини бу ҳақида дарҳол хабардор қилиши;

субъект вакилларига ахлоқий хулқ-автор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

5-§. Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар

22. Солиқ органи контрагентлар ва учинчи шахслар билан муносабатларда:

қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади;

мазкур Сиёсат талабларига зид бўлган ҳамда коррупцион хавфни келтириб чиқарувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди.

23. Солиқ органлари маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олиш ва баҳолашнинг ҳаққоний, очиқ

ва шаффоф жараёнини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ички идоравий ҳужжатлар асосида таъминлайди.

24. Солиқ органлари контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда:

бўлажак контрагентнинг ишончилигини, жумладан, муқаддам коррупцион ҳолатлар ва ҳуқуқбузарликларни содир этилиши, солиқ органлари ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширади;

бўлажак контрагентни (*танлов, тендер ҳолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини*) ўзининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қилади ва таништиради.

25. Солиқ органлари амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда солиқ органлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, маблағларни қонунда ёки шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаши шарт, шунингдек, бу ҳақида расмий веб-сайт орқали жамоатчиликка ошкор қилиши мумкин.

6-§. “Сирли мижоз” тадбири

26. Солиқ органларининг кўрсатаётган хизматлари сифати ва тезлигини, шунингдек, масъул ходимнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига мойиллигини аниқлаш мақсадида ҳаққоний ва очиқ танлов натижаларига кўра танлаб олинган мустақил компаниялар орқали алоҳида назорат тадбирлари ўтказилади.

Ушбу компания солиқ хизматларининг сифатини, муддатлилигини, шунингдек, солиқ органлари ходимлари томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини, уларнинг пора олишга мойиллигини ўрганиб боради.

27. Солиқ органлари ўтказилган “сирли мижоз” тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва коррупция хавфи аниқланган тақдирда хизмат текшируви ўтказади.

7-§. Солиқ органлари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш

28. Солиқ органларида ходимлар томонидан жисмоний ва юридик шахслар билан мулоқот жараёнида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши, коррупцион хавфни ва ҳуқуқбузарликни келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида видео ва аудио ёзувлар ёзиб олинади ҳамда улар Ўз хавфсизлиги ва

комплаенс-назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

29. Давлат солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилиши мумкин (*ишга қабул қилишда номзодлар билан суҳбат ва уларни синовдан ўтказиш жараёнлари, комиссия йиғилишлари, аттестация комиссияси ва бошқалар*).

8-§. Ички идоравий ҳужжатларнинг антикоррупцион экспертизаси

30. Ички идоравий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ҳужжатларда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган омилларнинг мавжудлиги, уларни олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилинишига алоҳида эътибор қаратилади.

5-боб. Коррупцион ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

31. Шахсий таркиб ҳамда жисмоний ва юридик шахсларда ходимларнинг хатти-ҳаракатлари қонунийлигига, одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилишига шубҳа туғилса, шунингдек, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этишига гумон ёки содир этилганлиги ҳақида аниқ фактлар мавжуд бўлса, улар бу ҳақида Давлат солиқ кўмитасига тегишли алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

Бундай мурожаатларни кўриб чиқишда солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахслари муаллифнинг шахсини сир тутилишини таъминлайди (*қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно*).

32. Коррупцион ҳолат ҳақида мурожаат қилган солиқ органи ходими ҳимояга олинади ҳамда уни қасддан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш ҳамда таъқиб қилиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслик кафолатланади.

33. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни Солиқ органларининг ишонч телефонлари;

Солиқ органларининг телеграмм каналлари;

Давлат солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлимидаги алоҳида аноним хабар бериш канали;

Солиқ органларининг расмий электрон почта манзиллари;

Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси телефонлари алоқа каналлари орқали бериш мумкин, тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Келиб тушган барча муурожаатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва солиқ органларининг ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади.

34. Аноним юборилган хабарларда қайд этилган ҳолатлар бўйича солиқ органлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган дастлабки ўрганиш амалга оширилади.

Қайд этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган тақдирда, Ўз хавфсизлиги ва комплаенс-назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташаббуси билан хизмат текшируви ўтказилади.

35. Солиқ органи ходими томонидан коррупцион ҳолат ҳақида қасдан ёлғон маълумот тақдим этилиши солиқ органларида ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши деб баҳоланади ҳамда унга нисбатан ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ тегишли интизомий жазо чораси қўлланилади.

36. Солиқ органларида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган ходимлар, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, белгиланган тартибда рағбатлантирилиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш зарурати келиб чиққанда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарганда;

ўтказилган таҳлиллар натижасида самарасиз тартиб ва таомиллар аниқланганда ҳамда солиқ органлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

солиқ органларининг ташкилий тузилмаси ва (*ёки*) вазифаларнинг бажариш хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда ушбу Сиёсат қайта кўриб чиқиши, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.